

II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 58 748,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 111,1 % ни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 23 050,0 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-декабрига нисбатан ўсиш 109,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 6 711,8 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 15 404,0 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 112,0 фоиз ва 107,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,0 % га, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш саноати 22,8 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 6,0 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 17,0 % га ўсишини кўришимиз мумкин.

Январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (млрд. сўмда)



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати


Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 51169,5 млрд. сўмни ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекси 111,0 % ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан автотранспорт воситалар, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш 18,8 % га, пластмас ва резина маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3,0 % га камайган бўлса, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш 65,7 % га, асосий фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш 30,5 % га, текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш 22,8 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 5,7 % ни, ўрта-юқори технологияли 25,2 %, ўрта-қўйи технологияли 34,0 %, қўйи технологияли 35,1 % ни ташкил этди.

Январь-декабрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 3452,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш индекси 122,8 % ни ташкил қилди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ ва хом нефт қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига 65,7 % га ошган, бошқа тоғ-кон саноати фаолияти эса 39,9 % га камайганини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 3203,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 5,5 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 17,0 % га кўпайган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 923,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 1,6 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2019 йил январь-декабрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,7 % га камайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини
ишлаб чиқариш ҳажми**
(2019 йил январь-декабрь ойларида)

	млрд. сўм	ўсии суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	58748,5	111,1
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	3452,0	122,8
Хом нефть ва табиий газ	3292,2	165,7
Бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш маҳсулотлари	148,0	60,1
Фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги хизматлар	11,9	1,8
Ишлаб чиқарадиган саноат	51169,5	111,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5035,2	104,5
Ичимликлар	2528,1	88,1
Тамаки маҳсулотлари	112,7	212,9
Тўқимачилик маҳсулотлари	3943,7	122,8
Кийимлар	1371,8	99,3
Чарм ва чармдан маҳсулотлар	251,8	105,6
Ёғоч ҳамда ёғоч ва пўкақдан ясалган буюмлар (мебелдан ташқари); похолча ва тўқиши учун материаллардан ясалган буюмлар	1176,0	78,6
Қофоз ва қоғоз маҳсулотлари	987,1	110,4
Нашр қилиш хизматлари ва ёзилган материалларни акс эттириш бўйича хизматлар	1285,0	110,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари	308,0	84,9


	<i>млрд. сүм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
Кимё маҳсулотлари	1691,1	103,7
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва фармацевтика препаратлари	1312,0	130,5
Резина ва пластмасса буюмлар	3774,8	97,0
Бошқа нометалл минерал буюмлар	3056,6	100,7
Асосий металлар	5205,0	81,2
Машина ва асбоб-ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар	3888,7	117,5
Компьютерлар, электрон ва оптик ускуналар	1603,6	201,1
Электр ускуналар	7199,7	145,7
Бошқа гурухларга киритилмаган машиналар ва ускуналар	3138,8	127,8
Автотранспорт воситалари, прицеплар ва ярим прицеплар	380,7	81,2
Бошқа транспорт воситалари ва ускуналар	469,3	101,1
Мебель	799,1	123,0
Бошқа маҳсулотлар	499,2	92,4
Машиналар ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш бўйича хизматлар	1151,3	104,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	3203,7	117,0
Электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво	3203,7	109,8
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш	923,2	106,0
Табиий сув; сувга ишлов бериш ва сув билан таъминлаш бўйича хизматлар	301,4	92,2

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
Канализация тизими	0,03	104,1
Чиқиндиларни йигиш, ишлов бериш, йўқотиш, утилизация қилиш	620,6	92,3
Тиклаш ва чиқиндиларни йўқотиш соҳасидаги бошқа хизматлар	1,1	125,8
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	23050,0	109,2
шу жумладан:		
озиқ-овқат товарлари	6711,8	112,0
ноозиқ-овқат товарлари	15404,0	107,6
Ароқ ва шароб маҳсулотлари	934,2	115,7

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қиласи. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмокли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-декабрида 14 179,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,0 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 9 045,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 15,4 % ташкил этди, нодавлат секторида 49 702,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 84,6 % ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида фоиз хисобида




Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан 2019 йил январь-декабрь ойларида 14179,0 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,0 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.


Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти саноат ишлаб чиқариш индекси 122,8 % ни, қайта ишлаш саноати 111,0 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 117,0 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йигиш ва қайта фойдаланиш билан бўйича хизматлар 106,0 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини
ишлиб чиқариш**
(умумий ҳажсмга нисбатан фоизда)

2018 йил январь-декабрь



2019 йил январь-декабрь



- Ишилб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулоти турларини ишлиб чиқариш ҳажми
(йирик корхоналар бўйича)**

Ўлчов бирлиги	2019 йил январь- декабрь	2018 й январь-декабрга нисбатан % да
------------------	--------------------------------	--

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Чақиқ тош (шебень)	<i>Tн</i>	273364,7	74,1
--------------------	-----------	----------	------

Қайта ишлаш саноати

Ўсимлик ёғи (тозаланган)	<i>Tн</i>	2609,0	43,7
--------------------------	-----------	--------	------

Арок	<i>минг. л 100% спирт</i>	19166,0	100,8
------	-------------------------------	---------	-------

Конъяк спирти – минг литр 100 % спирт	<i>минг. л 100% спирт</i>	946,8	109,7
---------------------------------------	-------------------------------	-------	-------

	Үлчов бирлиги	2019 йил январь- декабрь	2018 й январь-декабрга нисбатан % да
Узум виносини дистиллаш ёки узумни сиқиши натижасида олинган спирт настойкалари – минг літр 100 % спирт	<i>минг. л 100% спирт</i>	625,0	164,2
Пиво	<i>минг. л</i>	52504,8	126,6
Пахтадан йигирилган ип	<i>Tн</i>	8314,0	61,3
Машинада ёки құлда түқілған тукли ва пахмоқ трикотаж полотнолар,	<i>Tн</i>	16069,3	103,7
Китоблар, география харitalар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, открыткаларни босиб чиқариш бүйича хизматлар минг.сүм	<i>минг. сүм</i>	242642239,8	120,4
Газеталарни босиб чиқариш бүйича хизматлар	<i>минг. сүм</i>	26494165,0	71,0
Бошқа гурухларга киритилмаган сувсиз мұхитдаги бошқа синтетик полимерлар асосидаги бүёклар ва лаклар	<i>Tн</i>	10444,0	111,4
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бүлмаган этил спирти	<i>минг. л</i>	14406,5	103,2
Провитаминлар, витаминлар ва уларнинг ҳосилалари	<i>Tн</i>	36,8	133,3
Бинолар ва иншоотлар учун цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бошқа буюмлар	<i>Tн</i>	172368,7	115,8
Мис сим	<i>Tн</i>	23625,0	111,7
Пўлатдан чоксиз нефт ва газ қувурлари	<i>Tн</i>	65969,0	112,8
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юкори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	<i>Tн</i>	2585,0	126,6
Сеялка	<i>дона</i>	477,0	60,6

Ўлчов бирлиги	2019 йил январь- декабрь	2018 й январь-декабрга нисбатан % да
------------------	--------------------------------	--


Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Табиий сув; сувга ишлов бериш ва сув
билин таъминлаш бўйича хизматлар минг. сўм 194776389,0 112,4

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Миробод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,9 % улушини), Яшнобод тумани (12,2 %), Мирзо Улугбек тумани (10,7 %), Бектемир тумани (10,3 %), Шайхонтоҳур тумани (9,4 %), Олмазор тумани (8,8 %) ҳиссасига тўғри келади. Шунинг билан бирга энг кам улуш Учтепа (5,8 %), Чилонзор (6,4 %), Яккасарой (6,4 %) туманларига тўғри келади.

Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда (январь-декабрь)




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат махсулоти ҳажмини

туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, худудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шахрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 58748,5 млрд. сўмни ташкил этиб, Тошкент шахрида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 23121,1 минг. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,8 % га етказилганлигини кузатишимииз мумкин. Шунингдек Тошкент шахрида истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 23050,0 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,2 % га етди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан (9,2 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 39,2 % ни ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда
(январь-декабрь)**




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 464,2 млрд. сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 29,1 %, ноозиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 15 404,0 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 66,8 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 934,2 млрд. сўм ҳисобланиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 4,1 % ни ташкил этди.

**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
ҳажмидаги улуши, фоизда**




**Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси, фоизда
(ўтган йилнинг тегишили даврига нисбатан)**



Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг

ўсиш суръатлари, фоизда

(ўтган йилнинг тегишили даврига нисбатан)



Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг катта ўсиш суръатлари Миробод тумани (140,5 %), Яккасарой тумани (135,7 %) ва Бектемир туманларида (127,2 %) кузатилмоқда. Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг катта ўсиш суръатлари Бектемир тумани (126,6 %), Миробод тумани (112,6 %) ва Чилонзор туманларида (108,3 %) кузатилган.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси


Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 % га ошиши таъминланди. Дастраски маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 67,4 % ни ташкил этган.

Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқаришдаги улуши, фоизда (январь-декабрь)

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олмазор тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 90,3 %), Юнусобод (88,7 %), ва Яккасарой (88,0 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичик улуши Миробод (28,5 %), Мирзо Улугбек (41,9 %), Шайхонтохур (51,8 %) ва туманларида кузатилди.

2019 йил январь-декабрь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда




Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 27,2 трл. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 45,3 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 46,4 % ни ташкил қилди.

Қўшма корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 8,2 % ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда.




Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг умумий ҳажмида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналарининг улуши 12,2 %, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари улуши 87,8 % ни ташкил этди.


Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 14 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1944 та корхона (жами фаолият кўрсатаётган корхоналарининг 13,6 %) Олмазор туманига, 1804 корхона (12,6 %) Чилонзор туманига, 1766 корхона (12,4 %) Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик
(2020 йил 1 январь ҳолатига)



Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик
(2019 йил январь-декабрь)




2019 йил январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида 2680 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 46,1 % Чилонзор, Юнусобод, Олмазор Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариши
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-декабрь)**

	<i>Лойихалар сони, бирликда</i>	<i>Ишлаб чиқариши ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Экспортга сотилган маҳсулот ҳажми, минг. АҚШ доллари</i>	<i>Янги ташкил қилинган иш ўринлари сони, бирликда</i>
Жами:	269	6509,1	106284,1	5911
<i>ишуңдан;</i>				
Бектемир	43	1347,8	11275,9	2490
Мирзо Улуғбек	28	1313,7	16957,9	967
Миробод	26	526,2	11789,1	468
Олмазор	34	344,0	1660,1	210
Сергели	49	100,8	1277,3	37
Учтепа	11	32,7	251,5	93
Чилонзор	15	239,3	16722,1	210
Шайхонтохур	6	766,1	7406,8	4
Юнусобод	12	53,8	443,0	16
Яккасарой	18	49,0	1133,0	81
Яшнобод	27	1735,7	37367,4	1335

**Маҳаллийлаштириш дастурининг жами ишлаб чиқариш ҳажмида
туманларнинг улуши, фоизда**



Статистик кўрсаткичларга тушунтириш

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар);

Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари – солиширма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичdir; Истеъмол моллари – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (КҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади;

Натура қўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми – бошқа корхоналарга жўнаташ учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гурӯҳлаш Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

Маҳаллийлаштириш даражаси – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушкини белгилайди; Маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солик тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди; маҳсулот сотиш ҳажми – савдо нархларида келтирилади (КҚС ва акциялар бундан мустасно);

Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.